

**ТОШКЕНТ ТЎҚИМАЧИЛИК ВА ЕНГИЛ САНОАТ ИНСТИТУТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.27.06.2017.Т.08.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ТЎҚИМАЧИЛИК ВА ЕНГИЛ САНОАТ ИНСТИТУТИ

АХМЕДОВ ЖАХОНГИР АДХАМОВИЧ

**ЯНГИ СТРУКТУРАЛИ ТИКУВ ВА КАШТА ИПЛАРИНИ
ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ТЕХНОЛОГИЯСИНИ ЯРАТИШ**

**05.06.02 - Тўқимачилик материаллари технологияси
ва хомашёга дастлабки ишлов бериш**

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Докторлик диссертацияси автореферати мундарижаси
Оглавление автореферата докторской диссертации
Contents of the Abstract of Doctoral Dissertation

Ахмедов Жахонгир Адхамович Янги структурали тикув ва кашта ипларини ишлаб чиқариш технологиясини яратиш.....	3
Ахмедов Жахонгир Адхамович Разработка технологии производства швейных и вышивальных нитей новых структур.....	27
Akhmedov Jakhongir Creation of the technology manufacturing of sewing and embroidery threads of new structures.....	51
Эълон қилинган ишлар рўйхати Список опубликованных работ List of published works.....	55

**ТОШКЕНТ ТЎҚИМАЧИЛИК ВА ЕНГИЛ САНОАТ ИНСТИТУТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.27.06.2017.Т.08.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ТЎҚИМАЧИЛИК ВА ЕНГИЛ САНОАТ ИНСТИТУТИ

АХМЕДОВ ЖАХОНГИР АДХАМОВИЧ

**ЯНГИ СТРУКТУРАЛИ ТИКУВ ВА КАШТА ИПЛАРИНИ
ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ТЕХНОЛОГИЯСИНИ ЯРАТИШ**

**05.06.02 - Тўқимачилик материаллари технологияси
ва хомашёга дастлабки ишлов бериш**

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2018

Техника фанлари доктори (DSc) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2017.2.DSc/T113 рақами билан рўйхатга олинган.

Докторлик диссертацияси Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.titli.uz) ва «Ziynet» ахборот таълим порталида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

Илмий маслаҳатчи:

Даминов Асқарали Давлатович
техника фанлари доктори

Расмий оппонентлар:

Абдукаримова Мавжуда Зокировна
техника фанлари доктори, профессор

Ахмедходжаев Хамит Турсунович
техника фанлари доктори, профессор

Эргашов Махаматрасул
техника фанлари доктори, профессор

Етакчи ташкилот:

**Ўзбекистон табиий тоғлар
илмий-тадқиқот институти**

Диссертация ҳимояси Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институти ҳузуридаги Илмий даражалар берувчи DSc.27.06.2017.T.08.01 рақамли илмий кенгашнинг 2018 йил «23» февраль соат 14⁰⁰ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100100, Тошкент ш., Яккасарой тумани, Шохжаҳон кўчаси-5, тел. (+99871) 253-06-06, 253-08-08, факс: 253-36-17, e-mail: titlp_info@edu.uz, Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институти маъмурий биноси, 2-қават, 222-хона).

Диссертация билан Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (25-рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: Тошкент ш., Яккасарой тумани, Шохжаҳон - 5, тел. (+99871) 253-08-08.

Диссертация автореферати 2018 йил «5» февраль куни тарқатилди.

(2018 йил «5» февралдаги 25-рақамли реестр баённомаси).

Қ.Жуманиязов

Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш раиси, т.ф.д., профессор

А.З.Маматов

Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш илмий котиби, т.ф.д., профессор

С.Ш.Тошпўлатов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш ҳузуридаги
илмий семинар раиси, т.ф.д., профессор

КИРИШ (докторлик диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурияти. Ҳозирги кунда хом ипак ва ундан тайёрланган мато, трикотаж маҳсулотларини ишлаб чиқаришда янги технологияларни қўллаш орқали уларнинг сифатини оширишга катта эътибор қаратилмоқда. Ипак ишлаб чиқариш ва қайта ишлаш соҳасида қатор хорижий мамлакатларда, жумладан, Хитой, Ҳиндистон, Бразилия, Япония, Жанубий Кореяда маълум ютуқларга эришилган бўлиб, пилла чувиш ва хом ипак ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш ҳамда маҳсулотларнинг рақобатбардошлигини таъминловчи технологияларни такомиллаштиришга қаратилган тадқиқотларда табиий ипакли кийимларни тайёрлашда тикув ипларини турларини етишмаслиги ва бошқа тола таркибли ипларни қўлланиши эксплуатация ҳамда ювиб-қуритиш жараёнида чокларни турли киришиш ҳолларига олиб келиши туфайли сифат бузилиши каби муаммоларни ечиш алоҳида аҳамиятга эга ҳисобланмоқда. Шунинг учун ҳам, ипак тикув ипларини ишлаб чиқаришнинг ресурстежамкор технологияларини ва усулларини, унинг янги ассортиментларини яратиш муҳим вазифалардан бири бўлиб қолмоқда.

Жаҳонда ипакни қайта ишлаш техника ва технологиясини ишлаб чиқишга йўналтирилган илмий-тадқиқот ишлари олиб борилмоқда. Мамлакатимизда ҳам ушбу йўналишда, жумладан табиий ипакдан тикув ва кашта ипларини олиш технологиясини ишлаб чиқиш, ўрилган жарроҳлик ипак ипларини олишни такомиллаштирилган технологиясини яратишда сезиларли натижаларга эришилди. Бу борада жумладан, табиий ипакдан янги структурали тикув ипларини ишлаб чиқариш; табиий ипак, вискоза, ацетат ипларидан попоп ва қўл кашта ипларини тайёрлаш усуллари ва технологиясини яратиш, ўриш усули билан жарроҳлик ипларини ишлаб чиқаришни такомиллаштирилган технологиясини яратиш, табиий ипакдан ўрилган жарроҳлик ипларига техник шартларни асослаш, табиий ипакдан тикув ипларини бўйаш усулларини ишлаб чиқиш ва такомиллаштириш муҳим вазифалар қаторига киради.

Республикамизда ипак хомашёсини чуқур қайта ишлаш асосида юқори қўшимча қийматли тайёр маҳсулот ишлаб чиқаришни жадал ривожлантириш, ипакчилик саноатини модернизация қилиш орқали ички ва ташқи бозорда ипак маҳсулотлари рақобатбардошлигини таъминлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Шу билан бир қаторда, ипак ишлаб чиқаришда энергетик харажатларни камайтиришни таъминлайдиган энергиятежамкор технологияларни яратиш ва такомиллаштириш ўта муҳим аҳамиятга эга.

2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида, жумладан «... миллий иқтисодиётнинг рақобатбардошлигини ошириш, ... иқтисодиётда энергия ва ресурслар сарфини камайтириш, ишлаб чиқаришга энергия тежайдиган технологияларни кенг жорий этиш» вазифаси белгилаб берилди. Ушбу

вазифаларни ҳал қилишда, жумладан янги структурали тикув ва кашта ипларини ишлаб чиқариш технологияларини яратиш ва ишлаб чиқаришга жорий этиш муҳим ўрин тутди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги, 2017 йил 14 декабрдаги ПФ-5285-сон «Тўқимачилик ва тикув-трикотаж саноатини жадал ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармонлари, 2017 йил 29 мартдаги ПҚ-2856-сон ««Ўзбекипаксаноат» уюшмаси фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори, ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига боғлиқлиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг II. «Энергетика, энергия ва ресурстежамкорлик» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий-тадқиқотлар шарҳи¹. Табиий ипакдан олинган тикув иплари турларини ишлаб чиқариш илмий асосларини, тўқимачилик ва енгил саноат техника-технологияларини ривожлантиришга йўналтирилган илмий изланишлар, табиий ва кимёвий толаларни қайта ишлашда янги техника ва технологияларни ишлаб чиқиш ва такомиллаштиришга қаратилган кенг қамровли илмий тадқиқотлар жаҳоннинг етакчи илмий марказлари ва олий таълим муассасалари, жумладан, Manchester University (Англия), Ghent University (Бельгия), International Association of Silk Road University (Япония), Kyoto University (Япония), Dortmund Technical University (Германия), Sichuan university (Хитой), University of Piraeus (Греция), South Indian Textile Research Association (Ҳиндистон), Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институти, Ўзбекистон табиий толалар илмий-тадқиқот институти (Ўзбекистон) томонидан олиб борилмоқда.

Хом ипак, ипак маҳсулотлари технологияларини такомиллаштириш ва тайёр ипларнинг замон талабларидаги турларини яратиш борасида жаҳонда олиб борилган илмий тадқиқотлар асосида қатор, жумладан куйидаги илмий натижалар олинган: тикув ипларини мосланувчан технологик жараёнларини автоматлаштирилган тизимлари ишлаб чиқилган (Tajima, Япония; Eton Ups, Швеция; Schonenberger, Франция; Datatron, Германия); синтетик ипларни

¹Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий-тадқиқотлар шарҳи Raw Silk 2005. Manual for: Testing, classifying, quality limits, grading. Derectives, methods, standard. Instrumentation. Zbueich, February. 2005; Sando's high pressure steamer. Sando iron works CO.LTD 4-4-5 UZU WAKAYAMA. JAPAN; JNK - Tokyo. 2005. -N GT-4154; Engelhardt A.W. // Ind. News, 2011, June. -P. 4.; Chem Fibers Int, 2011. -№1. -P. 4.; Chem Fibers Int, 2011. -№2. -P. 4.; Патент CN101244288 (A) - Surgical seam of yamamai silk and preparation thereof // Chengshu Cao // -2008.; CN202036261 (U) - Medical silk suture discharger // Dan Yang; Chengwei Peng; Bo Yang // -2011.; Патент CN20071114050 20071108 Soybean protein/alginate /cellulose fibre and preparation method thereof // 2007; Патент CN1556116. Application of o-substituted carboxy methyl chitin as antiadhesion material in surgical operation // -2004. Патент CN1556116. Application of o-substituted carboxy methyl chitin as antiadhesion material in surgical operation // -2004; [www.http//vidy-tkaney.ru](http://vidy-tkaney.ru); [www.http//tipsboard.ru](http://tipsboard.ru); [www.http//indiada.ru](http://indiada.ru); [www.http//silkcat.ru](http://silkcat.ru); Optim-consult.com/analytics/6/ ва бошқа манбалар асосида ишлаб чиқилган.

текстурлашни янги усуллари яратилган (Turbo ва Heberlein, Швейцария); DTV машинасида синтетик штапел толаларини олишни янги технологиялари ишлаб чиқилган (Oerlikon Barmag, Германия); сифати яхшиланган нитрон ипларини ва табиий ипакдан тикув ипларини ишлаб чиқариш усуллари, ипак жарроҳлик иплари, тиббиёт докиси ва бошқа матолар яратилган (Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институти, Ўзбекистон табиий толалар илмий-тадқиқот институти, Ўзбекистон).

Дунёда сифатли ипак маҳсулотларини ишлаб чиқариш жараёнларининг технологияларини яратиш ва такомиллаштириш бўйича қатор, жумладан, кўйидаги устувор йўналишларда тадқиқотлар олиб борилмоқда: янги юқори ипакчанликка эга бўлган зот ва дурагай пиллаларини яратиш асосида юқори сифатли хом ипак олиш технологиясини такомиллаштириш; табиий ипак хусусиятларига ўхшаш тусли ипларни яратиш; синтетик толалар ва ипларни табиий ипакнинг нано бўлакчалари билан модификация қилиш; ипак ва бошқа толалар билан аралаш матолар яратиш; мавжуд технологияларни такомиллаштириш асосида табиий ипакдан янги структурали тикув, жарроҳлик, кашта ипларини ишлаб чиқариш технологиясини яратиш.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Ҳозирги вақтда чувиш, сифатли хом ипак ишлаб чиқариш технологиясини такомиллаштириш, ипак маҳсулотларини яратишда юқори талабга эга бўлган янги ассортиментларни ишлаб чиқиш масалалари бўйича бир қатор олимлар: G.Savvas, G.Kochy, G.Mentges, P.Kiekens, C.Minano, S.Gunze, S. Pan, H.Chen, J.Mo ва бошқалар тадқиқотлар олиб борганлар.

Текстурланган, ҳажмдор, комбинацияланган, эшилган ва бошқа хусусиятлари яхшиланган ипак, хом ашё тузилишини тадқиқ қилиш, улардан аралаш толали ипак олиш, замонавий дастгоҳларда ип тайёрлаш жараёнини ташкил этиш учун назарий ва амалий асосни яратиш бўйича: Кукин Г.К., Рубинов Э.Б., Усенко В.А., Бурнашев Р.З., Алимова Х.А., Ниязалиев М., Хаимова Р.М., Зыкова Ф.В., Поздняков Г.С., Бурнашев И.З., Худойбердиева Д.Б., Умаров Ш.Р., Насриллаев У.Н, Струнников В.А., Якубов А.Б., Тожиев Э.Х., Икрамов З.И. каби бир қатор олимлар тадқиқотлар олиб борганлар ва бу соҳа илмининг ривожига муносиб ҳисса қўшганлар.

Лекин, ҳозиргача маълум бўлган изланишларда табиий ипакдан кашта, тикув ипларини ишлаб чиқариш технологияларини назарий асосларини ишлаб чиқиш ва вискоза, ацетат, табиий ипакдан попоп каштаси, қўл каштаси ипларини ишлаб чиқариш ва бўяш усуллари яратиш каби масалалар етарли даражада ўрганилмаган.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институти илмий-тадқиқот ишлари режасининг ИТД-4-18 «Ипакнинг нанотехнологияси асосида фойдали хусусиятли маҳсулотлар ва поликомпонентли ипларни олишнинг янги усуллари ва технологияларини ишлаб чиқиш» (2012-2014), А-3-5 «Ипакнинг нанотехнологияси асосида маҳсулотларнинг рақобатбар-

дош янги турларини ишлаб чиқариш усуллари ва технологияларини яратиш» (2015-2017) мавзусидаги лойиҳалари доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади табиий ипакдан янги структурали тикув, каштачилик ипларини ишлаб чиқариш технологиясини яратишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

табиий ипакдан эшилган ипларни олиш учун етиштирилган пилла, унинг ипи, хом ипакнинг физик-механик ва деформацион хусусиятларини тадқиқ этиш;

хом ипакдан талабга мос равишда бир нечтасини кўшиб, турли йўналишда (S, Z) бурам бериш орқали ипак кашта тикув ипларини ишлаб чиқариш усулини яратиш;

табиий ипакдан тайёрланган матоларни тикиш учун мўлжалланган, юза зичликларига мос келадиган турли йўғонликдаги юқори сифатли ипак тикув ипларини ишлаб чиқариш ва мустаҳкамлик хусусиятларини тадқиқ этиш;

мавжуд усулда аниқланган камчиликларни бартараф этиш учун эшилган ипларни ўриш усули орқали жарроҳлик ипларини ишлаб чиқаришнинг такомиллаштирилган технологиясини яратиш;

табиий ипакдан такомиллаштирилган технология асосида ишлаб чиқарилган ўрилган жарроҳлик ипларига техник шартларни асослаш;

тайёр маҳсулот даражасига етказишни ҳамда харидорлар талабини инобатга олган ҳолда, табиий ипакдан тайёрланган тикув ва кашта ипларини бўйаш усулини ишлаб чиқиш.

Тадқиқот объекти сифатида Ўзбекистон-5 ва Хитой ипак қурти дурагай пиллалари, улардан чувилган 2,33; 3,23 тексли хом ипак ва хом ипакдан ишлаб чиқарилган янги структурали тикув, кашта иплари олинган.

Тадқиқот предмети табиий ипакдан янги структурали тикув ипларини ишлаб чиқаришга тайёрлашдаги услуб ва воситалар, хом ашё тайёрлаш технологиялари ҳисобланади.

Тадқиқот усуллари. Тадқиқот жараёнида иплар механикаси, тажриба анализи ва математик статистика, баҳолаш ва мақсадли электрон дастурлар воситасида оптималлаштириш усулларида фойдаланилди.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

маҳаллий хом ашёлардан фойдаланган ҳолда бурам бериш орқали ипак тикув ипларини ишлаб чиқаришни тўртта ўтимга қисқартирилган технологияси яратилган;

эшилган ипларни бир нечтасини кўшган ҳолда бурам бериш, сўнгра улардан ўриш усули билан жарроҳлик ипак ипларини ишлаб чиқаришнинг такомиллаштирилган технологияси яратилган;

вискоза ва ацетат сунъий ипак ипларидан попоп каштачилик ипларини олиш усули яратилган;

тайёр маҳсулот даражасига келтириш, кейинги жараёнда фойдаланишга қулайлик яратиш мақсадида тикув ва кашта ипларини бўйаш ҳамда пардозлашнинг рационал технологик режимлари ишлаб чиқилган;

ипакнинг нанозарралари билан модификациялаш орқали хусусиятлари яхшиланган полиакрилонитрил ипларини олиш усули яратилган;

юқори сифатли 3А синфига мос хом ипак ишлаб чиқариш учун пиллаларни чувишнинг технологик параметрлари асосланган;

иплар механикаси назарияси асосида, юк таъсирида эшилган ипларни деформацион ҳаракатларини элементар толалар ҳатти-ҳаракати билан боғлаш йўли орқали мураккаб эшилган, ўрилган жарроҳлик ва тикув ипларини эшиш бурчакларининг қийматлари аниқланган.

Тадқиқотнинг амалий натижаси қуйидагилардан иборат:

табиий ипакдан янги структурали эшилган жарроҳлик иплари ишлаб чиқариш технологияси ишлаб чиқилган;

янги ассортиментли ипак, вискоза ва ацетатли попоп кашта иплари намунаси олинган ва уларнинг физик-механик, технологик, эксплуатацион хусусиятлари аниқланган;

кичик корхоналар шароитига мос келадиган янги ассортиментдаги саноат попоп кашта ипларини тайёрлаш технологияси яратилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончилиги. Тадқиқот натижаларининг ишончилиги, энг аввало, катта ҳажмдаги тажриба материалларининг статистикаси, назарий ва амалий тадқиқотларнинг натижаларини солиштириш, баҳолаш мезонларига кўра уларнинг мос келиши, тикув ипларининг назарий ва амалий деформацион моделларининг ўзаро яқинликлари билан асосланган.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти Ўзбекистон-5 ва Хитой дурагайи пиллаларидан фойдаланиб, чувиш дастгоҳида илгич тагидаги пиллалар сонини ва уларнинг чизиқли зичликларини назорат қилиш асосида юқори сифатли 3А синфига мос хом ипак ишлаб чиқариш учун чувиш тезликларини назарий асослангани, ҳамда табиий ипакдан ва сунъий иплардан янги структурали жарроҳлик, каштачилик, тикув, попоп ипларини ишлаб чиқаришни илмий асосланган технологиясини яратилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқотларнинг амалий аҳамияти табиий ва кимёвий толали янги структурали ипларни олиш усуллари ва технологияларини такомиллаштириш, уларни жорий этиш натижасида юқори сифатли хом ипак олиш, олинган хом ипакдан бир нечтасини қўшиб бурам бериш орқали рақобатбардош тайёр тикув иплари ишлаб чиқариш ва ипак маҳсулотлари ассортиментини кенгайтиришдан иборат.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Табиий ипакдан янги структурали тикув ипларини ишлаб чиқариш технологиясини яратиш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

хом ипакка бурам бериб эшилган ипак ипини олиш усули бўйича Ўзбекистон Республикаси Интеллектуал мулк агентлигининг (№IAP 05253-2016 й.) ихтирога патенти олинган. Натижада ипак маҳсулотлари ассортиментини кенгайтириш ва янги технологиясини яратиш имкони очилган;

вискоза ва ацетат ипларини кўшиб бурам бериш орқали попоп кашта тикув ипларини ишлаб чиқариш бўйича Ўзбекистон Республикаси Интеллектуал мулк агентлигининг (№IAP 05415-2017 й.) ихтирога патенти олинган. Натижада сифатли попоп тикув иплари ишлаб чиқариш технологияси яратилган ва тикув иплари ассортиментини кенгайтишига имкон яратилган;

хом ипакка бурам бериб кўлда тикиш учун эшилган ипак кашта ипини олиш усули бўйича Ўзбекистон Республикаси Интеллектуал мулк агентлигининг (№IAP 05447-2017 й.) ихтирога патенти олинган. Натижада кўлда кашта тикиш учун ишлатиладиган ипларни олишни саноат усули яратилган;

ўрилган хирургик иплар учун хом ипак тайёрлаш усули бўйича Ўзбекистон Республикаси Интеллектуал мулк агентлигининг (№IAP 04078-2009 й.) ихтирога патенти олинган. Натижада олинган жарроҳлик ипида чигалланиш бартараф этилган ва фойдаланишда қулайлик яратилган;

табиий ипакдан янги структурали тикув ипларини ишлаб чиқариш технологияси «Ўзтўқимачиликсаноат» ва «Ўзбекипаксаноат» уюшмалари тасарруфидаги корхоналарда, жумладан, Тошкент шаҳрининг «SHARQ GULI» МЧЖ, «LUSSO FASHION TEXTILE» МЧЖ, Фарғона вилоятининг «NURLI TONG SILK» МЧЖ, «YODGORLIK» МЧЖ (Марғилон ш.), Андижон вилоятининг «XARIR TOLA» МЧЖ, «IYMON POKLIGI» МЧЖ ва Андижон вилояти Марҳамат тумани тиббиёт бошқармасида жорий этилган («Ўзбекипаксаноат» уюшмасининг 2017 йил 21 декабрдаги ША-03-17/1298-сонли маълумотномаси). Илмий тадқиқот натижаларининг жорий этилиши орқали халқаро стандарт талабларининг «ЗА» синфига мос хом ипак олиш, янги технология ва усулда ишлаб чиқарилган иплар ассортиментини кўллашда иш унумдорлигини 10-15%га ошириш имкони яратилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари 14 та халқаро ва республика миқёсидаги илмий-техник ва илмий-амалий анжуманларда апробациядан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Диссертация мавзуси бўйича жами 33 та илмий ишлар чоп этилган, шулардан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 14 та мақола нашр этилган, шундан 2 та мақола чет элда чоп этилиб, Ўзбекистон Республикасининг 4 та патенти олинган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, 5 та боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 196 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ


Кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурияти асосланган, мақсади ва вазифалари, тадқиқот объекти ва предмети ифодаланган, тадқиқотнинг Ўзбекистон Республикасида фан ва технологияларни ривожлантиришнинг устувор йўналишларига мослиги

келтирилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён этилган, олинган натижаларнинг ишончлилиги асосланган, уларнинг илмий ва амалий аҳамияти ёритилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий этилиши, ишни апробацияси, чоп этилган ишлар, диссертация тузилиши ва хажми бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Ҳозирги кунда ипакчилик саноатидаги муаммоларнинг таҳлили**» деб номланган биринчи бобида пилла етиштириш ва хом ипак ишлаб чиқариш ҳолати, эшилган ипларнинг турлари, табиий ипакдан эшилган ипларнинг, тиббиётда қўлланиладиган ипларнинг ва кимёвий иплардан эшилган ипларнинг турлари бўйича мавжуд илмий адабиёт маълумотлари ўрганилган. Умуман олганда, ўтказилган таҳлил шуни кўрсатадики, тикув ипларини саноат миқёсида ишлаб чиқаришнинг технологиясини яратиш тизимидаги масалаларни ечишда концептуал ёндашув етарли эмас, бу эса илмий тадқиқот вазифаларини шакллантириш имконини берди.

Диссертациянинг «**Табиий ипакдан тикув ипларини ишлаб чиқариш технологиясини асослари**» деб номланган иккинчи бобида турли зот ва дурагай пилла ипларининг технологик хусусиятлари, пилла чувишни назарий ва амалий тадқиқотлари асосида пилла чувиш дастгоҳлари учун юқори сифатли хом ипак чувиш тезлигини исботланган кўрсаткичлари келтирилган. Ўзбекистон-5 ва Хитой дурагай I-нав пиллаларидан 30 кг дан олиниб, тажриба ўтказилди. Бу пиллалар қайта сараланганда, уларнинг жами 30% ини доғли ва нуқсонли пиллалар ташкил этиши аниқланди.

Қайта сараланмасдан чувилган пиллалар назорат, сараланганлари эса тажриба варианты деб белгиланди. Ўрнатилган тартибда пиллалар қобикларининг технологик хусусиятлари тадқиқ этилди. Пилла ипи чизиқли зичлигини унинг умумий узунлиги бўйича ўзгариши 1-расмда келтирилган.



1-расм. Пилла ипи чизиқли зичлигини унинг умумий узунлиги бўйича ўзгариши (тажриба)


Пиллаларни якка чувиш орқали қобиғининг ипакчанлигини синаб кўриш натижасида маҳаллий шароитда етиштирилган Хитой дурагай пиллаларини Ўзбекистон-5 га нисбатан: умумий узунлиги 12%, узлуксиз узунлиги 14% га юқори, қазноқ пўсти эса 70% кам бўлиши, тажрибадаги ҳар иккала дурагай пиллаларида бу кўрсаткичлар назоратга нисбатан 7-12% юқори эканлиги аниқланди.

Пилла ипи чизиқли зичлигини унинг узунлиги бўйича ўзгаришининг аналитик ифодасини (регрессия тенгламасини) тажриба асосида ҳадлари сони $m=4$ бўлган учинчи даражали полином билан аниқланган ҳамда уларнинг ишончлилиқ даражаси тегишли мезонлар орқали баҳоланган:

$$T = a_0 + a_1\bar{x} + a_2\bar{x}^2 + a_3\bar{x}^3 \quad (1)$$

бу ерда a_0, a_1, a_2, a_3 - полином коэффицентлари, \bar{x} - ипнинг координа-таси.

Пилла ипларини узилиш кучи ва деформацияси 2-расмда келтирилган.



2-расм. Пилла ипларининг узилиш кучи ва деформацияси

Сифатли хом ипак ишлаб чиқаришда унга таъсир этувчи кучларни таҳлил қилиб, пиллаларни чувиш тезлигини асослаш муҳим аҳамиятга эга. Бунда пилла қобиғи қатламларидаги (3-расм) ипни адгезия кучини инобатга олиш зарур.

3-расмдан ёпишқоқ - адгезия (C) кучларини қатламлар орасидаги ўзгариш қонуниятини ипнинг умумий узунлиги (l) $700 < l \leq 1200$ бўлган ҳолда куйидагича:


$$C = a + v \cdot l_i \quad (2)$$

Тенглама (2) даги коэффицентлар қиймати кичик квадратлар усули ёрдамида ҳисобланганда Ўзбекистон-5 дурагайи учун:

$$a = 0,32; v = 1,3 \cdot 10^{-3}$$

Хитой дурагайи учун:

$$a = 0,35; v = 1,5 \cdot 10^{-3} \text{ эканлиги аниқланди.}$$



3-расм. Пилла ипи қобизини қатламларидаги ёпишқоқлик кучлари

Сувли муҳитда жойлашган пилла чувиш жараёнида бир вақтнинг ўзида оғирлик маркази вертикал ўқи бўйича илгариланма ва эллипснинг кичик ўқи атрофида айланма ҳаракатни амалга оширади. Пиллани сувли муҳитдан чиқишида уни катта ўқи йўналиши бўйича фақат бир ўлчамли ҳаракатда бўлади деб қабул қилинади. Пилла юзасидан ипни ажралиш жараёнини сувли муҳитдаги эллипсоиднинг айланма ҳаракати асосида тасвирлаймиз. Вақт momenti $t=0$ бўлганда, эллипснинг катта ярим ўқи горизонтал текислик билан α бурчакни ташкил этади. Эллипснинг бошланғич координата тизимини xuz орқали белгилаб, қўзғалмас координаталар тизимида оғирлик марказини $O(0,0,0)$ координата билан белгилаймиз, Oz ўқини горизонтал йўналишда, Ox ва Oy ўқларини унга перпендикуляр қилиб оламиз. Вақт momenti $t=0$ бўлганда эллипс маркази O нуктада жойлашади. Oz_0 ўқни эллипснинг катта ярим ўқи, Ox_0 ва Oy_0 ўқларини уларга перпендикуляр сифатида кичик ўқлар деб қабул қиламиз. Ипни ажралиш жараёнида таъсир қилувчи P вертикал кучлар yOz координата текислигида ётади, унинг таъсир нуктаси юқорига вертикал йўналишда эллипснинг $ADBC$ ташқи контури бўйлаб ҳаракатланади. P куч таъсирида эллипс Ox кичик ўқи бўйлаб айланма ҳаракатни амалга оширади ва унинг маркази Oy ўқи бўйлаб силжийди (4-расм).

Пиллани айланма ҳаракати P куч таъсирида амалга ошади ва эллипснинг айланиш тенгламасини қуйидаги кўринишда олинган:

$$J_x \ddot{\varphi} = (R_1 \cos \psi \cos \varphi - R \sin \psi \sin \varphi) \frac{k_1 k_0}{k_1 + k_0} [x_0(t) - h] \quad (3)$$

бу ерда R ва R_1 эллипснинг кичик ва катта ярим ўқлари;

J_x - эллипсоиднинг Ox ўқига нисбатан инерция momenti;

φ - эллипсоиднинг Ox ўқи атрофида айланиш бурчаги;

k_1, k_0 - пилла юзасидан ипни ажратиб олишдаги қаршилик кучи ва ипни шаклланишидаги қайишқоқ хусусиятларини характерловчи бикрлик коэффициентлари;

$x_0(t)$ - чархнинг силжиш қонунияти;

ψ - ADBC эллипс тенгласининг параметри бўлиб, вақт бўйича қуйидаги тенгламани қаноатлантиради;

$$\dot{\psi} = \frac{v_p(t)}{\sqrt{R_1^2 \cos^2 \psi + R^2 \sin^2 \psi}} \quad (4)$$

бу ерда v_p - P нуқтадан йўналтирилган таъсир кучларини силжиш тезлиги;


h - эллипсоид марказининг Oy ўқи бўйлаб силжиши ва u қуйидаги тенгламани қаноатлантиради:

$$m\dot{h} = P - 6\pi\mu R_{кел} \dot{h} \quad (5)$$

бу ерда μ - сувнинг динамик қовушқоқлик коэффициентини;

$R_{кел}$ - эллипсоиднинг келтирилган радиуси, $R_{кел} = \sqrt[3]{R_1^2 R}$.

С у в л и м у х и т ю з а с и




4-расм. $x=0$ қирқимдаги эллипс контурининг $t > 0$ вақт моментидаги сувли муҳитда чўккан ҳолати схемаси

(3), (4) ва (5) тенгликлар $\varphi(t)$, $\psi(t)$ ва $h(t)$ функцияларни аниқлаш учун дифференциал тенгламалар тизимини ҳосил қилади.

5-расмда пилла юзасидан v_0 тезликни ўзгариши билан ип ажралишига пилла марказини силжиш боғлиқлиги келтирилган.


$$v_0 = 0.01 \text{ м/с}$$



5-расм. v_0 тезликнинг ўзгаришида пилла маркази бўлган O нуқтанинг $\alpha = 45^\circ$ ҳолат учун t (сек) вақтга боғлиқ силжиши


5-расмдаги эгри чизиқ таҳлили шуни кўрсатадики, v_0 тезликни кичик кўрсаткичларида B нуқта ҳаракати эллипс ёйи бўйлаб амалга оширилиб, пилла марказини силжиши ортиб боради ва бу тезлик ортиши билан силжиш камаяди. Горизонтал текисликка нисбатан пиллани дастлабки ҳолатини сақлаб туриши ва марказини кўтарилиш ҳолатида пилла юзасидан ипни ажралиш жараёни тезлашади. Дастлабки бурчак α ни турли қийматлари учун пиллани Ox ўқи атрофида айланиш бурчаги φ ни ўзгариш эгри чизиқлари 6-расмда келтирилган.

$$\alpha = 0^\circ$$



а

$$\alpha = 15^\circ$$



б

а) $\alpha = 0^\circ$ да, б) $\alpha = 15^\circ$ да

6-расм. $v_0 = 0.01 \text{ м/с}$ тезлик билан B нуқтани эллипс контури бўйлаб ажралиш ҳаракатида α қиялик бурчагини турли қийматлари учун вақтга боғлиқ ҳолда пиллани бурилиш бурчагини ўзгариши

Ҳисоб-китоб натижалари шуни кўрсатадики, горизонтал текисликка нисбатан пиллани бурилиш бурчаги v_0 ($v_0 < 0.05 \text{ м/с}$) тезликни кичик қийматларида B нуқтани ажралишдаги силжиши амалга ошади ва α қияликни дастлабки кичик бурчакларида соат стрелкасига тескари бурилиши юз беради. Ушбу бурчак қийматининг ортиши билан пилла Ox ўқи атрофида соат стрелкаси бўйича бурилишни амалга оширади. Тезликлар қиймати

$v_0 > 0.1 \text{ м/с}$ бўлганда, пилла амалда айланиш ўқи бўйича бурилишни амалга оширмайди ва $h = h(t)$ қонунига биноан пилла марказининг ҳаракати вертикал йўналишда бўлади.

Аммо, чувиш тезлигини ошиб бориши, таранглик кучини зўриқишининг пилла ипини пишиқлигидан ошиб кетишига, хом ипакнинг берилган чизиқли зичлигини шаклланиш жараёнида узуклар пайдо бўлишига, маҳсулот сифатини пасайишига олиб келиши мумкин.

Турли чизиқли зичликдаги хом ипак олишда дастада чувилаётган пиллалар сонини ва унинг ипларини йўғонликларини хом ипакнинг чизиқли зичлигига таъсирини назарий ва ҳисобий натижаси 1-жадвалда берилган.

1-жадвал

Механик дастгоҳларда чувилаётган пиллалар сонини ва ипларнинг йўғонликларини хом ипакнинг чизиқли зичлигига таъсири

Чувилаётган умумий пиллалар сони	Хом ипак ипининг умумий чизиқли зичлиги	Хом ипакнинг стандарт чизиқли зичликлари, текс				х моментдаги чизиқли зичликларни номиналдан нисбий фарқи, %	Стандарт талабига мослиги, синф
		1,56	2,33	3,23	4,65		
		х моментдаги хом ипакни чизиқли зичликлари					
5	(2·0,31+2·0,30+0,27)	1,49				-4,5	3 "А"
5	(2·0,33+2·0,31+0,29)	1,57				+0,64	5 "А"
8	(4·0,3+2·0,29+2·0,27)		2,32			-0,43	5 "А"
8	(5·0,31+2·0,29+0,27)		2,40			+3,0	4 "А"
7	(7·0,32)		2,31			-3,86	3 "А"
10	(10·0,32)			3,20		-0,93	5 "А"
11	(8·0,32+3·0,27)			3,37		+4,3	3 "А"
11	(7·0,32+2·0,30+2·0,28)			3,42		+3,0	3 "А"
15	(11·0,32+4·0,29)				4,68	+0,65	5 "А"
15	(15·0,32)				4,80	+3,2	3 "А"
15	(10·0,32 + 5 ·0,28)				4,6	-1,1	4 "А"

Назарий ва амалий тадқиқотлар натижалари асосида механик дастгоҳларда максимал пилла чувиш тезлигини V_{\max} қуйидаги формула орқали ҳисоблаш тавсия этилди.

$$V_{\max} \leq \frac{n_3'' T}{t \cdot T_{x.u}} \cdot l_{y.y} = [n_m] \cdot \frac{T_{x.u}}{T_{n.u}} \cdot l_{y.y} \quad (6)$$

бу ерда $T_{x.u}$ - хом ипакни чизиқли зичлиги, текс;

$T_{n.u}$ - пилла ипининг чизиқли зичлиги, текс;

$[n_m]$ - меъёрлаштирилган пилла ташлаш сони;

$[n_3'']$ - заруриятдан пилла ташлаш сони;

$l_{y.y}$ - пилла ипининг узлуксиз узунлиги, м;

t - зарурий пиллаларни ташлаш вақти, с.

(6) дан хулоса, чувиш тезлигини аниқлашда уни чегараловчи омил, маълум вақт ичида пилла ташлаш меъёри ҳисобланади $\left([n_m] = \frac{n_3 \max}{t} \right)$.

2-жадвал

Назарий ва амалий тадқиқотлар натижасида “ЗА” синфга мос хом-ипак олиш учун аниқланган пилла чувиш тезликлари

Хом ипак ассортименти, текс	Чувиш тезликлари, м/мин			
	Механик		автомат	
	назарий	Амалий	назарий	амалий
1,56	115-120	105-110	120-130	117-118
2,33	125-130	115-120	135-144	120-124
3,23	132-135	122-125	145-148	125-130
4,65	136-140	126-130	150-160	138-140

2-жадвал таҳлили шуни кўрсатадики, Ўзбекистон-5 дурагай пиллаларидан сифатли хом ипак ишлаб чиқариш учун назарий ҳисобланганга нисбатан деярли 1,2 баробаргача кам бўлган чувиш тезлигини рационал деб белгилаш мумкин.

Хом ипакдан турли чизиқли зичликдаги эшилган ипларни янги сортиментини яратишда ипларга ҳар хил йўналишда ва миқдорда бурамлар берилади, шунинг учун уларнинг деформацион ҳаракатини яхши маълум бўлган мослаштириш, матрицали ва тензорли алмаштиришни қўллаб, элементар толалар ҳатти-ҳаракати билан боғлаб ўрганиш қулай.

Фараз қилайлик, комплекс ип думалоқ кўндаланг кесимга эга ва винт бўйича тахтланган, яъни эшилган элементар иплар ёки кўп сонли толалардан иборат. Айрим нуқта P да, фараз қилайлик толада тегишли нормал ва бинормал бўйича йўналтирилган ўқда координатларнинг (ξ, η, ζ) ортогонал тизимини аниқлаш мумкин. Бундан ташқари, худди ўша нуқтага толанинг ўқи бўйлаб йўналтирилган z ўқи координатларига (r, θ, z) цилиндрик тизимни берамиз, бошқалари эса мос равишда берилади. У ҳолда, иккита танланган координаталар тизимлари орасидаги йўналтирилган конуслар S_{ij} ($i, j=1, 2, 3$) матрицаси куйидаги кўринишга эга бўлади:

$$[S_{ij}] = \begin{matrix} & \xi & \eta & \zeta \\ r & \begin{pmatrix} 0 & -1 & 0 \\ \sin \theta & 0 & -\cos \theta \\ \cos \theta & 0 & \sin \theta \end{pmatrix} \\ z & \end{matrix} \quad (7)$$

бу ерда θ – винт чизигининг кўтарилиш бурчаги. Ҳар бир элементар тола ўқли ориентирланган полимер бўлганлиги сабабли, қайишқоқ хусусиятларининг кўндаланг изотропиясига эга деб фараз қиламиз ва уни куйидагича ифодалаш мумкин:

$$\sigma = c \cdot e \quad (8)$$

бу ерда σ, c, e – зўриқиш, бикрлик ва деформациянинг тензорлари. Бикрлик матрицасининг диагонал элементлари, кўндаланг ва ўқ бўйлаб

йўналишларда тола қайишқоқлигининг модулларига тенг деб ҳисоблаб, қисқартирилган кўринишда берилади. Бу ҳолда бикрлик матрицаси қуйидагича ёзилади:


$$C = \begin{pmatrix} E_j & E_{Tj} & E_{Tj} & 0 & 0 & 0 \\ E_{Tj} & E_T & E_{Tj} & 0 & 0 & 0 \\ E_{Tj} & E_T & E_T & 0 & 0 & 0 \\ 0 & 0 & 0 & 2E_{Tj} & 0 & 0 \\ 0 & 0 & 0 & 0 & 2E_{Tj} & 0 \\ 0 & 0 & 0 & 0 & 0 & 2E_{TT}^x \end{pmatrix} \quad (9)$$

бу ерда $2E_{TT}^x = E_T - E_{Tj}$, E қайишқоқлик модулини ифодалайди.

Ипнинг доимий бикрлигини матрицали алмаштириш ва статистик ўртачалаштириш, мувозанатлаш услубидан фойдаланиб, элементар толанинг характеристикалари орқали ифодалаш мумкин:

$$C_{ijke} = \frac{1}{A} \int \rho C_{mnop} S_{mi} S_{nj} S_{ok} S_{pl} dA \quad (i, j, k, l = 1, 2, 3) \quad (10)$$

бу ерда интеграциялаш ипнинг кўндаланг кесими бўйича бажарилади. Бунда ρ – бирлик майдонга тўғри келадиган толалар сони ва уни тақсимланиш функцияси сифатида қараш мумкин; A – ипларни кўндаланг кесим майдони.



1- $\cos^2\alpha$ ни ҳисобий модели; 2-қаттиқлик модели; 3-Хирл назарияси ва бошқалар.
7- расм. Ипни математик модели билан эшиш бурчаги орасидаги боғлиқлик

(10) нинг интеграл ечимларидан бир ўқли чўзилишда ипнинг қайишқоқлик модули қуйидаги формула орқали аниқланади:

$$E_y = C_{33} - \frac{(C_{13}^2 C_{22} + C_{11} C_{23}^2 - 2C_{12} C_{13} C_{23})}{(C_{11} C_{22} - C_{12} C_{21})} \quad (11)$$

Ипнинг E_y қайишқоқлик модули винт чизиғининг α юза бурчаги ва толанинг E_T ва E_j қайишқоқлик модулларига боғлиқлигини таъкидлаб ўтамыз.

Амалий тадқиқотлар натижасида ип ассортиментида боғлиқ ҳолда бурамлар сони, эшиш бурчаги ҳам турлича бўлиши аниқланган, бу боғлиқликлар 3-жадвалда келтирилди.

Бурам коэффиценти билан эшиш бурчаги орасидаги боғлиқлик

Эшилган ип турлари	Бурамлар сони, бр/м	Бурамлар коэффиценти	Эшиш бурчаги, град.
Хом ипак ипи, арқоқ	130-150	6-10	1-3
Танда	300-600	27-35	5-8
Жарроҳлик ипи	350-1200	29-110	6-23
Креп	2200-3200	170-250	31-36
Тикув ипи	600-700	30-38	7-9
Вискоза ипи, арқоқ	250-550	25-32	4-7
Танда	500-800	31-39	6-9
Муслин	600-1000	35-102	8-21
Креп	1400-2000	115-163	23-29
Креп - гранит	500-1200	31-110	7-23
Кашта ипи	100-200	4-12	1-4

7-расмдаги назарий ва 3-жадвалда келтирилган амалий тадқиқотлар натижаларини (эшиш бурчаги) мос келиши тикув ипларини ассортиментини кенгайтириш ва ишлаб чиқариш технологиясини такомиллаштириш имконини яратди.

Диссертациянинг «**Янги структурали жарроҳлик ипак ипларини ишлаб чиқариш**» деб номланган учинчи бобда хом ипакдан жарроҳлик ипларини ишлаб чиқариш технологияларини такомиллаштириш, эшиш ва ўриш усули билан жарроҳлик ипларини ишлаб чиқаришни такомиллаштирилган технологияси ва ипакдан янги структурали ипларни лойиҳалаш берилган.

Хом ипакнинг технологик хусусиятлари уни қайта ишлаб олинadиган эшилган ипларнинг сифат кўрсаткичларига жуда катта таъсир кўрсатади. Жарроҳлик ипларини ишлатиш инсон саломатлиги билан боғлиқ жараён ҳисобланганлиги учун, пиллаларни энг яхши чувиладигани, кам нуқсонлилиги танлаб олиниб, сифатли хом ипак ишлаб чиқарилди.

Танлаб сараланган пиллалардан чувиб олинган хом ипакнинг технологик хусусиятлари 4-жадвалда келтирилган. Жадвал таҳлилидан бизнинг тажрибада қайта сараланган пиллалардан ишлаб чиқилган хом ипакнинг сифат кўрсаткичлари ISA халқаро стандарт талабларига мос келади ва O'z DSt 993:2011 талабларидан юқори.

Синовдан ўтказишда намуналар талабга кўра ҳарорати $20 \pm 2^{\circ}\text{C}$, нисбий намлиги $65 \pm 5\%$ бўлган хонада 10 соат сақланди.

**Ўзбекистон-5 ва Хитой дурагайи пиллаларидан олинган
хом ипакнинг сифат кўрсаткичлари**

Кўрсаткичлар	«Ўзбекистон-5» зоти				Хитой дурагайи			
	тажриба		назорат		тажриба		назорат	
Чизиқли зичлиги, текс	2,33	3,23	2,33	3,23	2,33	3,23	2,33	3,23
Кондицион чизиқли зичликни номиналдан нисбий фарқи, %	1,03	1,08	3,2	4,1	1,04	1,1	2,7	3,6
Чизиқли зичлик бўйича вариация коэффициенти, %	4,5	5,2	9,4	11,0	4,2	4,8	7,3	8,2
Қайта ўралиш қобиляти, 1 кг даги узуклар сони	6,0	7,0	14,0	16,0	6,0	6,0	12,0	14,0
Йирик нуқсонлардан тозаллиги, %	94,3	93,6	85,7	84,3	94,2	94,4	85,9	85,1
Майда нуқсонлардан тозаллиги, %	90,0	91,1	84,0	83,0	92,0	91,0	86,0	84,0
Солиштирама узилиш кучи, г/куч	36,7	36,6	32,8	34,3	36,4	36,9	33,6	34,7
Солиштирама узилишдаги чўзилиш, %	18,2	18,4	15,2	16,1	18,3	18,6	15,9	17,0
Жипслиги, каретка юриши	61,0	60,0	39,0	38,0	61,0	62,0	41,0	42,0

Сифати юқори бўлган хом ипакдан эшилган жарроҳлик ипларининг янги структураси 5-жадвалда берилди.

Эшилган жарроҳлик ипак ипларининг янги структураси

Ипнинг шартли рақами	Ўртача диаметр, d_n , мкм	1 кг ипнинг узунлиги, м	Ипнинг структуравий белгиланиши
000	130 - 140	90000	2,33 x 2 S 900 x 2 Z 900
00	160 - 175	42000	2,33 x 3 S 800 x 2 Z 800
0	190 - 210	35000	2,33 x 4 S 600 x 2 Z 600
1	210 - 220	25000	2,33 x 5 S 550 x 2 Z 550
2	270 - 300	14000	2,33 x 6 S 450 x 2 Z 450
3	300 - 330	12000	3,23 x 8 S 450 x 3 Z 450
4	450 - 480	5900	3,23 x 16 S 450 x 3 Z 450
5	550 - 590	5200	3,23 x 24 S 450 x 3 Z 450
6	620 - 650	3700	3,23 x 30 S 400 x 3 Z 400
7	690 - 720	3200	3,23 x 34 S 400 x 3 Z 400
8	700 - 750	2500	3,23 x 36 S 300 x 3 Z 300

Олдинги ишлаб чиқарилаётган эшилган ипакли жарроҳлик ипларидан янги ассортиментни фарқи, уларни айримларини ўртача диаметрига қараб

50-100 бр/м гача кам бурамлар берилди, бу эса ипнинг уларни амалиётда қўллашда чигалланиш ҳолатини 40% га камайтирди.

Ўрилган жарроҳлик ипларини ишлаб чиқаришда хом ашё сифатида 150 бр/м берилган иплар ишлатилади, уларни лойиҳалашда иплар диаметри, чизикли зичлиги, масса ҳажми, толалар ҳажмларини бир-бирларига боғлиқликларидан келиб чиқиб, уни узилиш кучини ҳисоблаш учун қуйидаги формула тавсия этилади:

$$P_n = P_u \cdot K_m \cdot K_{\text{ўр}} \quad (12)$$

бу ерда P_n - ўрилган ипнинг назарий узилиш кучи; P_u - эксплуатация жараёнидаги чўзилиш кучи; K_m - ипнинг мустаҳкамлик коэффиценти; $K_{\text{ўр}}$ - ўрилиш коэффиценти, 2,33 текс ип ишлатилганда 1,07; 3,23 текс ипи ишлатилганда эса 1,05 га тенг.

Экспериментал тадқиқотлар таҳлили асосида ўриш дастгоҳида ўрилган жарроҳлик ипларини 2^п, 3^п, 4^п, 6^п, 8^п шартли рақамларини ишлаб чиқариш мумкинлиги исботланди. Бундан ташқари, эшилган жарроҳлик иплари шартли рақамларига нисбатан қўшимча 5^п ва 10^п шартли рақамдаги ўрилган ипларни олиш имконияти пайдо бўлди. Эшилган жарроҳлик ипларидаги 000; 00; 0 ва 1 шартли рақамдаги ипларни 12 ва 8 синф дастгоҳларида ўриш йўли билан ишлаб чиқариш мумкин эмаслиги исботланди, чунки дастгоҳдаги урчуқлар сонидан 2,33 ва 3,23 тексли иплар сонини камайтириш имконияти йўқ. Агарда 2,33 тексдан кичик бўлган чизикли зичликдаги хом ипакни ишлатиш мақсад қилинса, тажрибаларни қайтариш шарт. Ўриш усулида олинган жарроҳлик ипларини структуравий белгиланиши 6-жадвалда келтирилган.

6- жадвал

Ўрилган жарроҳлик ипларининг структуравий белгиланиши

Шартли рақами	Хом ипакнинг чизикли зичлиги, текс	
	2,33 текс	3,23 текс
2 ^п	2,33 x 3 S 150 x 8 ^п	3,23 x 2 S 150 x 8 ^п
3 ^п	2,33 x 4 S 150 x 8 ^п	3,23 x 3 S 150 x 8 ^п
4 ^п	2,33 x 6 S 150 x 8 ^п	3,23 x 4 S 150 x 8 ^п
